

Машҳур футболчи Фредерик Умар Кануте масжид қурдирди



10:10 / 27.08.2019 1367

Франко-Малия футболчиси Фредерик Умар Кануте (Европа клублари бўлган «Лион» ва «Тоттенхэм» ҳужумчиси бўлган) ўз фаолиятини тамомлагач, хайр-саховат ишлари билан шуғуллана бошлади. Бу ҳақда muslimaat.uz сайти хабар беради.

Бу мусулмон футболчи Севилья шаҳридаги биргина масжидни вақтинча сақлаб қолиш учун 700 минг доллар йиғди. Сўнгра у шаҳарда доимий масжид барпо этилиши учун бор имкониятларини ишга сола бошлади.

Севильяе шаҳрида 700 йил мобайнида масжид бўлмаган. Шунингдек, биргина масжид ҳам маҳаллий ҳокимият томонидан ёпилиш арафасида эди.

«Агар Кануте бўлмаганида Севильяда жума намозини ўқишга масжидимиз бўлмас эди», – деб таъкидлайди Испания [Islom](http://Islom.uz) жамияти вакили. Ушбу мусулмон футболчи бошчилигида Севильяда илк маротаба расмий масжид қурилиши учун пул йиғиш ташаббуси бошланди. Автотураргоҳ қулайлиги мавжуд бўлган уч қаватли бу масжидга 350000 доллар керак эди. Рамазон ойида бу маблағ йиғилиб, масжид қурилиши бошлаб юборилган.

Islom.uz портали таҳририяти